Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**25.01.2022 даги**
**O'ZBEKTELEKOM ва Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси ижро этувчи дирекцияси ўртасида 305000,00 сўм умумий суммага тузилган CPIO-1592/AT-VPN - сонли шартномага**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 141

Шахсий ғазна ҳисобварақ 30141086026280710913014100

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4292200 | | | |
| Январь | 305 000,00 | | | 305 000,00 |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **305 000,00** | | | **305 000,00** |

Жами 305000,00 сўм Уч юз беш минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 305000,00 сўм ёки 100,00%*** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***20___ ______________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ______________ С.И.Самадов
(имзо) Ф.И.Ш.

М.Ў.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANDLIK VA MEHNAT MUNOSABATLARI VAZIRLIGI HUZURIDAGI JAMOAT ISHLARI JAMG'ARMASI IJRO ETUVCHI DIREKSIYASI

Буюртмачи бош бухгалтери ______________ Исаев Э. С.
(имзо) Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди ______________
(имзо)

«___» ________________ 20___й.

Буюртмачи ходими
қабул қилди ______________
(имзо)

«___» ________________ 20___й.

**№ СРІО-1592/AT-VPN - СОН**
**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА**
**АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**
*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

**Тошкент ш.** **2022 йил "25" 01**

**"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси** (кейинги ўринларда – Компания) номидан ________________________________-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг **"Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази"** филиали директор ўринбосари Хон А.Е. (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва номидан **Ўзбекистан Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги жамоат ишлари жамғармаси ижро этувчи дирекцияси** (Устав, Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи С. Самадов ____________________ (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;
- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Prepaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.1.1. Алоқа хизмати учун ушбу Шартнома асосида хизматлар кўрсатилишидан олдин тўловни амалга ошириш (Prepaid) тизими шартлари татбиқ этилади ва ойлик ҳисоб **100 (бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 ( бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофик кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий микдори 01.01.2022 йил дан 31.03.2022 йилгача: 315 000,00 (Уч юз ўн беш минг) сўмни ташкил этади. 105 000,00 (Бир юз беш минг) сўм микдорида ойлик абонент тўлови . Шартнома микдоридан ошиб кетган такдирда, ортикча микдори ҳар ойда тўланади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган такдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/такдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Оператордаги Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга такдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофик ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада такдим этилган хизматларнинг тўлик календарь ойи учун умумий микдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан такдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда такдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура кабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган такдирда, Оператор кейинги календарь ойида такдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календар ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофик белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофик ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув оркали ҳал этишнинг имкони бўлмаган такдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига мувофик Тошкент туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

**6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар кандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган ҳар кандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

**7. Якуний қоидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20____ йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.2.2. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 мартга қадар амал қилади.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календар кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган (ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади).

**8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

**ОПЕРАТОР:**
**АК "Ўзбектелеком"**
**«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали**

Манзил: Тошкент, шаҳар. А. Темур кўчаси 97 А.
Тел: (99) 836-7600
Электрон почта: b2b@uztelecom.uz
Банк маълумотлари:
ҳисоб рақами: 2021 0000 5040 7483 8088
АТБ Алоқабанк
МФО: 00401
СТИР: 203366731
ОКЭД: 61100
Тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди
ҚҚС 326 030 013 817

**Директор ўринбосари:**

_______________ **Хон А.Е.**
/имзо/
М.Ў.

Ижрочи: Тагаева А.
Тел.: (+998 99) 700-0710.
_______________

**АБОНЕНТ:**

**Ўзбекистан Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги жамоат ишлари жамғармаси ижро этувчи дирекцияси**

Манзил:
Банк маълумотлари:
х/р:
л/р
СТИР:
МФО:
Банк номи:
Тел:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси ижро этувчи дирекцияси
Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо-37 уй
Х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
Бюджетдан маблағ олувчининг СТИРи 305 087 742
Ғазначилик бўлими номи: Молия вазирлиги Ғазначилиги
Ш Х/р: 301410860262807109130141001
Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919

**Абонент номидан:**

_______________ **Ф.И.Ш.**
/имзо/
М.Ў.

КМХКХ бўлим бошлиғи: Рахмадова Ш.Х.
_______________

*3-бет. СРІО-1592/АТ-VPN – сон АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ*

Юрист: Д. Юсупова

1-илова

"25" ___01___ 2022 йилдаги № CPIO-1592/AT-VPN -сонли абонент шартномаси

**Хизматлар**

**1. Хизматлар рўйхати ва улар учун тарифлар**

**Ўлчов бирлиги Миллий валюта – сўм**

| т/р | Хизматлар номи | ҚҚС билан нархи (микдори) | Микдори | 15% ҚҚС билан Тўлов микдори, (сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | **I. Бир марталик тўловлар** | | | |
| 1.1 | Ҳар бир уланиш нуктаси учун рўйҳатдан ўтказилган тўлови (FTTx технологияси бўйича) | - | - | - |
| | **II. Ҳар ойлик абонент тўловлари** | | | |
| 2.1 | VPN тармогига (Шахар) 10 Мб/с тезликда уланиш учун абонент тўлови (VLAN 3852) | 105 000,00 | 1 | 105 000,00 |
| | Жами (олдиндан тўлов) | | | 105 000,00 |

Жами олдиндан тўлов микдори 105 000,00 (Бир юз беш минг) сўм , ҚҚС 15 % микдорида.

Шартноманинг умумий микдори 01.01.2022 йил дан 31.03.2022 йилгача: 315 000,00 (Уч юз ўн беш минг) сўмни ташкил этади. 105 000,00 (Бир юз беш минг) сўм микдорида ойлик абонент тўлови . Шартнома микдоридан ошиб кетган такдирда, ортикча микдори хар ойда тўланади.

**"Ўзбектелеком" АК номидан:**
**«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали**

**Директор ўринбосари**

________________ Хон А.Е.
/имзо/
М.Ў.

**Абонент номидан:**
**Ўзбекистан Республикаси бандлик ва мехнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги жамоат ишлари жамғармаси ижро этувчи дирекцияси**

________________ Ф.И.Ш.
/имзо/
М.Ў.

2-илова
"25" 01 2022 йилдаги СРІО-1592/АТ-VPN -сонли абонент шартномаси

**Далолатнома**
**Бажарилган ишларни қабул қилиш ва махсус уланишни синовдан ўтказиш**
**телекоммуникация хизматлари шартномаси асосида амалга оширилди**
**"25" 01 2022 йилдаги № СРІО-1592/АТ-VPN**

| № | Хизматлар рўйхати | Сана | Бажарилган ишларни қабул қилиш белгиси |
|---|---|---|---|
| 1. | VPN тармогига (Шахар) 10 Мб/с тезликда уланиш учун (VLAN 3852) - V00004293611 | «25» 01 2022 йил. | Бажарилди |

**"Ўзбектелеком" АК номидан:**

**«Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази» филиали**

**Директор ўринбосари**

_______________ Хон А.Е.
/имзо/

М.Ў.

**Абонент номидан:**

**Ўзбекистан Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги жамоат ишлари жамғармаси ижро этувчи дирекцияси**

**Абонент номидан:**

_______________ Ф.И.Ш.